



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Узбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бошқармаси тұғрисида Низом» агентлиги директори

Т.Э. Ўлжаев
2019 йил «29» 04

**Сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
бошқармаси тұғрисида
НИЗОМ**

Асос:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳаво кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастури”ни тасдиқлаш тұғрисида 2016 йил 17 декабрдаги 346-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-курилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тұғрисида” 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон қарори.
4. Фуқаро авиацияси ҳалқаро ташкилотининг стандартлари ва тавсиялари.

1-боб. Умумий қоидалар.

1. Сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш Бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Транспорт вазирлиги қарорлари, Агентлик Низомига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун хужжатларига амал қиласи.

3. Бошқарма таркибига ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун Сертификатлаш ва парвозлар бажарилишини назорат қилиш бўлими, Аэронавигация ва ҳаводаги харакатни бошқаришни (ХҲБ) назорат қилиш бўлими, Ҳаво кемаларининг учишга яроклилик бўлими, Аэродромларни сертификатлаш ва аэродромлар атрофида объектларни жойлаштириш учун рухсатномалар бериш бўлими киради.

4. Бошқарма ҳодимлари Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиациясида парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекторлари статусига эгадирлар.

5. Бошқарманинг ташкилий тузилмаси Низомнинг иловасида келтирилган.

2-боб. Бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) ҳаво худудидан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳаво худудидан хавфсиз фойдаланишлари, парвозлар инсонлар соғлиги ва хаётига, атроф-мухитга ҳамда давлат манфаатларига хавф солмаган ҳолда амалга оширишишини таъминлаш, ўз ваколатлари доирасида ҳавода ҳаракатланишга хизмат кўрсатиш ташкил этилишини ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво худудидан фойдаланишни назорат қилиш;

2) парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фуқаро авиацияси фаолияти соҳасидаги сертификатлаш ишларини ташкил этиш ва таъминлаш;

3) фуқаро авиацияси ва экспериментал авиация фаолияти соҳасида давлат назоратини олиб бориш;

4) ҳалқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси манфаатларини ифода этиш.

7. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

1) фуқаро авиацияси ва экспериментал авиация фаолияти соҳасида ҳалқаро фуқаро авиацияси конвенцияси (1944 йилги Чикаго конвенцияси) ва унинг иловалари талабларига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқади;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурини такомиллаштиради ва амалга оширади;

3) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификация ишларини амалга оширади:

ҳаво кемалари эксплуатантларини;

ҳаво кемаларига техник хизмати кўрсатиш ташкилотларини;

фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини, биргалиқда фойдаланиладиган (жойлашган) аэродромларни;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ўқув марказларини;

4) белгиланган тартибда қуидаги ҳужжатларни беришни ташкил этади:

фуқаро ҳаво кемасини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномаси;

фуқаро ҳаво кемасини рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳномаси;

экспериментал ҳаво кемасини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномаси;

фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификати;

фуқаро ҳаво кемаларининг радио жихозлари сертификати;

фуқаро ҳаво кемаларининг шовқин бўйича сертификати;

5) фуқаро ҳаво кемалари давлат реестрини ва экспериментал ҳаво кемаларининг рўйхатини юритади;

6) ҳаво кемаларидан техник ва учишда фойдаланиш бўйича ҳужжатларини тасдиқланишини ташкил этади;

7) қуидагиларга риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил этади ва амалга оширади:

фуқаро ҳаво кемалари ва учувчисиз учиш аппаратлари парвозларини ташкил этиш, таъминлаш ва бажариш қоидалари;

фуқаро ҳаво кемаларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш қоидалари;

фуқаро ҳаво кемаларини ишлаб чиқариш қоидалари (улардан фойдаланиш жараёнида ушбу кемаларнинг парвозлари хавфсизлигига таъсир қилувчи ишлаб чиқариш нуқсонлари аниқланган тақдирда);

фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларидан, биргаликда фойдаланиладиган (жойлашган) аэродромлардан фуқаро ҳаво кемалари қатновлари хавфсизлигини таъминлашга оид қисми юзасидан фойдаланиш қоидалари, шунингдек ер устидаги асбоб-ускуналардан фойдаланиш қоидалари;

фуқаро ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлигини таъминлашга тегишли қисми юзасидан (ходимларни текшириш ва уларни ишга қўйиш ҳам шу жумлага киради) авиация ходимларини тайёрлаш қоидалари;

фуқаро ҳаво кемаларининг учишга яроқлилиги нормалари;

фуқаро ва экспериментал авиация аэродромлари фойдаланишга яроқлилиги нормалари;

Ўзбекистон Республикаси самовий худудида ҳаво транспорти қатновини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда самовий худудидан фойдаланиш қоидалари;

Ўзбекистон Республикасида алоқа тизими ва аэронавигация воситалари ишлашини таминалаш қоидалари;

парвозларга метеорологик хизмат кўрсатиш қоидалари;

ҳаво кемалари ва маҳсус транспорт воситаларини аэродром перронида ҳаракатланишини бошқариш қоидалари;

аэродром эксплуатанти томонидан ҳаво кемаларининг күш ва ҳайвонлар билан тўқнашиш ҳолатларини олдини олиш тадбирлари;

парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш қоидалари;

парвозлар хавфсизлигига таҳдид солувчи обьектларни белгилаш қоидалари;

ҳаво транспортида йўловчи, багаж, юк (хавфли юк) ва почта ташиш қоидалари;

фуқаро авиациясининг тегишли ташкилотларида парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимини жорий қилиш ва унинг фаолият кўрсатиши;

8) фуқаро авиацияси обьектларига хорижий сертификатларни эътироф этиш учун хулоса тайёрлайди;

9) парвозлар хавфсизлиги соҳасида Ўзбекистон Республикаси имзолаган меморандумларни амалга ошириш, стандартлар ва тавсияларни жорий қилиш масалари бўйича Фуқаро авиацияси ҳалқаро ташкилоти (кейинги ўринларда ИКАО деб аталади) билан ҳамкорликни амалга оширади;

10) парвозлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳалқаро ташкилотларининг ишида, конференцияларда ва семинарларда иштирок этиш, норматив-хукуқий базани, ҳаво кемаларидан учиш ва техник фойдаланиш, ҳаво навигациясини, ҳавода ҳаракатни ташкил қилиш, фуқаро авиацияси инспекторлар таркибини тайёрлашни такомиллаштиришда иштирок этади;

11) Агентликнинг Олий тоифа комиссиясининг ишида ва авиация ходимларига малака талабларини ишлаб чиқишида иштирок этади;

12) парвозлар хавфсизлигини таъминлашга алоқадор бўлган учувчилар, диспетчерлар, инженер-техниклар ва бошқа авиация ходимларини тайёрлаш бўйича ўкув режаларини ва дастурларини экспертизасини амалга оширади. Ҳаво кемалари комплекс тренажёрларининг малака талабларини баҳолайди ва машғулотлар ўткизишлари учун учун хулоса беради;

13) тегишли идоралар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан диспетчерларни тайёрлаши, текшириши ва уларни ишга кўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси амалдаги қоидаларининг бажаришларини назорат қилади;

14) фуқаро авиациясининг тегишли ташкилотларида парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимини жорий қилиш ва унинг фаолият кўрсатиши;

15) авиакомпанияларда, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш органларида, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиши ташкилотларида, ўкув муассасаларида, аэрородром ва аэропортларда парвозлар хавфсизлиги кўрсаткичлари устидан назоратни амалга оширади;

16) авиакомпанияларда, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш органларида, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиши ташкилотларида, ўкув муассасаларида, аэрородром ва аэропортларда «Фуқаро авиацияси хавфсизлиги куни» ташкил қилиш ва ўтказишлари устидан назоратни амалга оширади;

17) Бошқарма ваколатларига тегишли масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишини назорат қилади;

18) қонун хужжатларида белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларга ахборот ва маслаҳатлар беради;

19) Бошқарма инспекторларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлайди.

3-боб. Ҳукуқ ва мажбуриятлари

8. Бошқарма қўйидаги ҳуқукларга эга:

1) Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши билан боғлиқ норматив-хуқуқий хужжатларни, шунингдек бошқа хужжатларни белгиланган тартибда тайёрлайди;

2) фуқаро авиацияси авиакомпаниялари, корхона ва ташкилотларининг (мулкчилик шаклидан қатъий назар) фуқаро ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятини инспекция текширувларини амалга ошириш, кўрсатилган текширувларга Агентликнинг бошқа таркибий тузилмаларининг мутахассисларини, шунингдек авиа корхона ва ташкилотларнинг мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш;

3) мустақил равишда ёки Агентликнинг бошқа бўлинмалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакомпаниялари, корхона ва ташкилотлари томонидан парвозлар хавфсизлигини таъминловчи нормалар, қоидалар ва талабларнинг фуқаро ҳаво кемаларидан учиш ва техник мақсадларда фойдаланиш, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш, парвозларни таъминлашлари устидан инспекция текширувларини ўтказиш;

4) ҳаво транспорти эксплуатантлари ҳаво кемалари ва экипажларининг инспекция текширувларини амалга ошириш (шу жумладан парвоз пайтида хам), Бошқарма инспекторларини ички ва ҳалқаро ҳаво йўлларида қатновларни амалга оширишда Агентлик инспекторларини белгиланган тартибда ҳаво кемалари экипажлари таркибига текширувчилар сифатида киритиш, шунингдек айлана училари, ҳаво кемаларини бир жойдан бошқа жойга учирив ўтишда ва авиация ишларининг бошқа турларида Ўзбекистон Республикаси эксплуатантининг ҳаво кемалари экипажлари таркибida парвозларни бажаришида текширувчилар сифатида киритилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий давлатларнинг экипажлари ва фуқаро ҳаво кемалари устидан инспекция текширувларини ўтказиш;

6) тегишли фуқаро авиацияси бўлинмалари, корхоналари ва ташкилотларидан, юридик ва жисмоний шахслардан, Бошқармага юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган масалалар бўйича маълумотлар ва материялларни белгиланган тартибда талаб қилиш ва олиш;

7) Бошқарма инспекторлари парволар хавфсизлиги устидан назорат олиб боришларида ваколатлари доирасида қуйидаги ҳукуқларга эга:

авиация хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига риоя қилиб, Агентлик инспектори хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда ҳаво кемаларига, фуқаро авиацияси ташкилотларининг бинолари ва иншоатларига тўсиқсиз кириш, хамда хизмат хужжатларини текшириш;

зарур бўлган ҳолларда, юридик ва жисмоний шахсларга текширишлар ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни сўзсиз бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар бериш;

ҳаво кемасининг яроқлилигини ва давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи мажбурий кема хужжатларига ва унга қўйилган талаблар бузилган ҳолларда ҳаво кемасининг парвозини тўхтатиб туриш;

агар парвозлар хавфсизлигига таҳдид қилинадиган бўлса, аэродромлар ёки учиш майдони участкаларидан, аэродром ускуналаридан фойдаланишга чекловлар жорий этиш;

ҳаво транспорти органлари номидан маъмурий ҳукукбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ва маъмурий жазоларни қўллашга;

8) Бошқарма ваколати доирасига кирувчи масалар бўйича тушунтиришлар бериш;

9) Бошқарма ваколатларига киритилган масалалар бўйича бошқа давлатларнинг тегишли ташкилотлари билан белгиланган тартибда алоқа қилиш ва ўз ваколатига тегишли бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини таъминлаш;

10) парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, ҳаво кемаларидан учишда ва техник мақсадларда фойдаланишни такомиллаштириш, ҳаво навигацияси, ҳаво қатновини ташкил этиш, фуқаро авиацияси учувчи, диспетчер, инженер-техник ва инспекторлар таркиби тайёргарлигини такомиллаштириш, авиация ҳалокати ва баҳтсиз ҳодисани текшириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, конференциялар ва семинарлар ишида иштирок этиш;

11) Бошқарма ваколати доирасига кирувчи масалар бўйича ташкилотлар билан ўзаро ёзишувни олиб бориш;

12) Бошқарма ваколати доирасига кирувчи бошқа ваколатларни амалга ошириш.

4-боб. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

9. Бошқармага, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаби билан белгиланган тартибда, Агентлик директори ўринбосарининг тавсияномасига асосан, Агентлик директорининг буйруги билан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Бошқарма бошлиги раҳбарлик қиласи. Бошқарма бошлиги бевосита Агентлик директори ўринбосарига бўйсинади.

10. Бошқарма бошлиғи бўлмаган пайтда, Агентлик директори ўринбосарининг кўрсатмасига асосан, бўлим бошликларидан бири, унинг хукуқларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, мажбуриятларини бажаради.

11. Бошқарма бўлимларига, Бошқарма бошлиғи тавсияномасига асосан, Агентлик директори буйруги билан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Бўлим бошликлари раҳбарлик килишади.

12. Бошқарма ҳодимлари, раҳбариёт кўрсатмаларини ва ўз хизмат мажбуриятларини зарур даражада бажармаганлари учун вазифа йўрикномаларидаги тартибда жавоб берадилар.

13. Бошқарма ўз номи ёзилган муҳрга эга.

5-боб. Бошқарма бошлиғининг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва хукуқлари

14. Бошқарма бошлиғи:

1) авиация соҳасида олий маълумотга, амал қиласиган фуқаро авиацияси мутахассисининг гувоҳномасига, фуқаро авиациясида 5 йилдан кам бўлмаган, шундан 3 йилини раҳбар лавозимларда ишлаган иш стажига эга бўлиши лозим;

2) Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларини, сертификатцияга оид норматив-хукуқий хужжатларни, ИКАОнинг стандартлари ва тавсияларини билиши лозим.

15. Бошқарма бошлиғининг мажбуриятлари:

1) Бошқарма ваколатларига киритилган масалалар бўйича Агентлик раҳбариёти ва бошқа таркибий тузилмалари билан алоқаларда Бошқарма вакили бўлади;

2) Бошқарма фаолиятини бошқаради;

3) Агентлик директорининг кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси объектларида сертификация ва инспекция текширувлари ўtkазиш комиссиялари ишларида иштирок этади;

4) Бошқарма бўлимлари фаолиятини назорат қиласи;

5) Агентлик раҳбариёти томонидан ўтказилаётган мажлисларда белгиланган тартибда иштирок этади, Бошқарма ваколатларига кирадиган масалалар бўйича фикрлар киритади;

6) Бошқарма ваколатларига кирадиган масалалар бўйича, Ўзбекистон Республикаси авиация фаолиятини тартибга соладиган норматив-хукуқий хужжатларни такомиллаштиришда, уларга ИКАОнинг стандартлари ва тавсияларини кўллаш ишларини ташкиллаштиради ва назорат қиласи;

7) фуқаро авиациясининг тегишли ташкилотларида парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимини жорий қилиш ва унинг фаолият кўрсатишини ташкил этади ва назорат қиласи;

8) инспекторлар учун йўналишлар бўйича намунавий назорат дастурлари ва техник йўрикномалар ишлаб чиқилишини ташкил этади ва назорат қиласи;

9) Бошқарма ваколатларига киритилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, ДАҚ, бошқа давлатлар авиация маъмуриятлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлари билан белгиланган тартибда алоқа қиласи;

10) ўз ваколати доирасида хизмат хужжатларига кўл қўяди;

11) Бошқарма ваколатларига киритилган функцияларни бўлимлар ўртасида тақсимлайди;

12) ҳаводаги ҳаракатни бошқариш (ҲҲБ) диспетчерининг амал қиладиган гувоҳномасига эга бўлганда, ўз малакасини сақлаш ва ҳаводаги ҳаракатни бошқаришга (ҲҲБ) берилган рухсатни сақлаб туриш мақсадида белгиланган муддатларда малака ошириш курсларида, диспетчерлар тренажерида машҳулотлар ва малака амалиётини ўтади;

13) Агентлик директори ўринбосари йўқлигида, унинг ҳукуқларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, унинг мажбуриятларини бажаради.

16. Бошқарма бошлиғи яккабошчилик асосида Бошқарма фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва шахсан жавоб беради;

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилиш;

2) таркибий тузилмаларнинг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, Бошқармага юклangan вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкиллаштириш;

3) прогноз кўрсаткичлари бажарилишини тизимли таҳлил қилиш ҳамда Агентлик директорининг ўринбосарига таркибий тузилмалар томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришилишига қаратилган қўшимча чораларни қабул қилиш бўйича таклифларни кўриб чикиш учун киритиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Транспорт вазирлиги ҳужжатлари ва топшириқларини бажаришни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун Агентликнинг мутасаддилк қилинадиган таркибий тузилмалар ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

5) Агентлик қарорлари, Агентлик директори ва унинг ўринбосарининг буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш;

6) таркибий бўлинмаларнинг иш режалари ишлаб чиқилишини, тасдиқлаш учун киритилишини таъминлаш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича қонунчиликни тақомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

8) таркибий тузилмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Агентлик директорининг ўринбосарига кўриб чиқиш учун таклифлар тақдим этиш, уларнинг професионализми, салоҳияти, амалий тажрибаси, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий сифатларининг юксак даражаси кафолатланганлигини

таъминлаш, профессионал малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш, таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

9) таркибий тузилмалар томонидан норматив-хукуқий хужжатларнинг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентликнинг таркибий тузилмаларида тайёрланган хужжат лойиҳаларини кейинчалик Агентлик директори томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (визаланиши) учун кўриб чиқиш ва визалаш, Вазирлар Махкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламентига қатъий мувофиқ ҳолда Транспорт вазирлигига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Агентлик раҳбариятининг топшириғига биноан норматив-хукуқий хужжатларни Транспорт вазирлигига кўриб чиқилишида иштирок этиш;

10) Агентликка киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-хукуқий хужжатларнинг лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларни хорижий мамлакатларга чиқиши тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига сафарини ташкиллаштириш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларининг талабларига тўлиқ мувофиқ равишда хизмат сафарларини амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва оқилона ишлатилишини таъминлаш;

12) таркибий бўлинмаларнинг ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшлитиш, муҳокама якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

13) Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари, ёнгин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, меҳнат ва ижро интизоми, ички иш тартибларининг талабларига риоя қилиши, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари ходимлари томонидан кўрсатилган қоидалар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

14) «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, хукуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг содир бўлишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

15) давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва очиқлигини ошириш бўйича Агентлик директорига таклифлар киритиш;

16) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан очиқ ва бевосита мулоқотни йўлга қуйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатда ва тартибда шахсий қабулларни, жумладан, жойларга борган ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларининг қабулини мунтазам ўtkазиш;

17) Агентлик раҳбарларининг топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

18) давлат сири тоифасига киритилган ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш.

17. Бошқарма бошлиги қуидаги хуқуқларга эга:

1) Агентлик директори топшириғига асосан давлат органларида ва бошқа ташкилотларда, шуниндек, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Агентлик номидан вакиллик қилишга;

2) Бошқарма ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳалий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

3) Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича давлат статистика органларидан зарур статистика маълумотларини бепул олиш;

4) Агентлик директори топшириғига асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда белгиланган тартибда Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича иштироқ этиш;

5) Агентлик директори топшириғига асосан Бошқарма ваколатига таалукли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро даражада белгиланган тартибда ифода этиш;

6) ҳаво кемалари парвозларини хавфсизлигини таъминлайдиган белгиланган қоидалари ва нормаларга ҳаво кемалари эксплуатантлари ва авиация ташкилотлари томонидан риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда текшириш;

7) ички ва халқаро ҳаво йўлларида қатновларни амалга оширишда Бошқарма инспекторларини белгиланган тартибда ҳаво кемалари экипажлари таркибида текширувчилар сифатида киритиш, шунингдек айланана учишлари, ҳаво кемаларини бир жойдан бошқа жойга учирив ўтишда ва авиация ишларининг бошқа турларида Ўзбекистон Республикаси эксплуатантининг ҳаво кемалари экипажлари таркибида парвозларни бажариш;

8) авиация хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига риоя қилиб, Агентлик инспектори хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда ҳаво кемаларига, фуқаро авиацияси ташкилотларининг бинолари ва иншоатларига тўсиқсиз кириш, хамда хизмат хужжатларини текшириш;

9) зарур бўлган ҳолларда, юридик ва жисмоний шахсларга текширишлар ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни сўзсиз бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар бериш;

10) ҳаво кемасининг яроклилигини ва давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи мажбурий кема хужжатларига ва унга қўйилган талаблар бузилган ҳолларда ҳаво кемасининг парвозини тўхтатиб туриш;

11) агар парвозлар хавфсизлигига таҳдид қилинадиган бўлса, аэродромлар ёки учиш майдони участкаларидан, аэродром ускуналаридан фойдаланишга чекловлар жорий этиш;

12) ҳаво транспорти органлари номидан маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазоларни қўллашга;

13) парвозлар хавфсизлигига таҳдид соладиган камчиликлар аниқланганда, Агентлик томонидан берилган амалдаги сертификатлар (гувоҳномалар), фуқаро

авиацияси мутахассисларининг гувоҳномаларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш тўғрисида Агентлик раҳбариятига таклифлар беришга (уларнинг бевосита раҳбарларига маълумот берган ҳолда);

14) Бошқарма ваколатларига киритилган масалалар бўйича Бошқарма ҳодимларига, уларнинг мансаб мажбуриятлари доирасида бажарилиши шарт бўлган кўрсатма ва топшириклар беришга ва улардан кўрсатма ва топширикларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тараб қилишга;

15) амал қиласидаган ҲҲБ диспетчери гувоҳномасига ва мустақил равишда ҲҲБ хукукига эга бўлган ҳаводаги ҳаракатни бошқариш хизмати таркиби раҳбарияти, катта диспетчерлари ва диспетчераларининг малака текширувларини ўтказишга;

16) Агентлик директорига белгиланган тартибда Бошқарма ҳодимларини тасдиқлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида, ҳодимларни хизмат вазифаларини муваффақиятли ва виҷдонли бажарганлари, шунингдек лавозимларида ноўрин иш қилганлари учун ҳодимларга нисбатан интизомий жазо қўллаш тўғрисида тавсиялар киритишга.


17) Бошқарма бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга эга ҳам бўлиши мумкин.

**Сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш Бошқармаси бошлиғи**

Т.А. Назаров

**Сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш бошқармаси түгрисида Низомга
илова**

**Сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш бошқармасининг
ТУЗИЛМАСИ**



КЕЛИШИЛГАН:

Бошлиқ ўринбосари



О.Н. Лим

МИБ бошлиғи



Н.У. Индина

Бош юрисконсульт



И.Р. Байбурина

Касаба құмитаси раиси



Р.Д. Гулямов

Танишдим: